# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

## ЭФИРДА «АХБОРОТ»

***Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Бу борада телевидение алоҳида мазмун касб этади, десак муболаға бўлмайди. Албатта, телевидениенинг имкониятлари кенг. Шу билан биргаликда телекўрсатувларда масъулият ҳисси ҳам тобора ортиб бормоқда.***

Масалан, ҳар куни эфирга узатиладиган «Ахборот» кўрсатувини нафақат «Ўзбекистон» каналининг юраги, балки мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг ойнасига қиёс қилиш мумкин. «Ахборот» дастурида расмий хабарлар, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, меҳр-мурувват масалалари, халқаро ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеалар, маданият, фан-техника янгиликлари ва спорт оламидаги қизиқарли воқеаларга кенг ўрин ажратилади.

Ҳозирги «Ахборот» кўрсатувини бундан 15-20 йил аввалгиларидан анча фарқи бор. Хўш, булар нималарда кўринади? Аввало, «Ахборот»нинг ҳар бир сонида маълум бир воқеа, ҳодисанинг таҳлилий жиҳатларига катта эътибор берилмоқда, бу жараёнда дунё технологиясининг энг сўнгги ютуқлари намуналаридан ўринли фойдаланилаётганлигини таъкидлаш муҳим.

«Ахборот»чилар эрталабдан то тунгача телетомошабин ҳамроҳи, мададкори бўлиб келишмоқда десак муболаға эмас. Масалан, «Ахборот» ходимлари соат 10;12;14 ва 18да «Янгиликлар» тайёрлайдилар. Кеч соат 19.30 да «Ахборот»нинг рус тилидаги сони, соат 20.30 да эса ўзбек тилидаги сони эфирга узатилмоқда. Кеч соат 23.00 дан кейин эса «Ахборот-дайжест» эфирга тайёрланади. Бундан ташқари, ҳар якшанба куни айнан «Ахборот» фидойилари томонидан чуқур таҳлилий материаллар асосида «Таҳлилнома»нинг ўзбек ва рус тилидаги сонлари телетомошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Умуман «Ахборот» дирекциясининг фаолиятида таниқли журналист Бобур Алихонов етакчилигидаги катта гуруҳнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз. Бобуржон раҳбарлигида тайёрланаётган «Ахборот»нинг кўпгина сонларида иқтисодий ислоҳотлар мунтазам ёритилиб келинмоқда. Айниқса, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» рукни билан тайёрланаётган материаллар телетомошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, «Ахборот»нинг сайёр репортажи», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», «Ўзбекистоннинг янги иншоотлари», «Парламент», «Хориж хабарлари» ва бошқа бир қатор рукнлар остида тайёрланаётган материаллар ўзининг долзарблиги, чуқур муносабат асосида ёритилаётганлиги ва ҳатто, айрим ҳолатларда ижтимоий ва иқтисодий жабҳалардаги муаммолар дадил кўтарилаётганлиги билан киши эътиборини тортади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдурауф Қоржовов «Таҳлилнома» кўрсатувини олиб боришда катта маҳоратини намойиш эта олган, айнан унинг «Ахборот» учун Қамчиқ довонидан ёки Қирғизистон ва Хитойдан тайёрланган репортажлари таҳсинга сазовор.

Ёш иқтидорли журналистлардан Наврўз Ризаев, Комилжон Шамсуддиновларнинг бошловчилик маҳорати ҳам мақтовга сазовор. Айниқса, уларнинг суҳбатдош билан юқори савияда, мазмунли ва ҳатто айрим ҳолатларда эркин баҳс-мунозара асосида кўрсатув олиб бориши кўпчиликка маъқул бўлмоқда. «Таҳлилнома»нинг рус тилидаги сони ҳақида ҳам (Л.Мердвинская, Б.Бобоев) яхши гаплар айтиш мумкин. Чунки бу кўрсатувда бўлиб ўтган воқеаларни яна бир бор ёдга солиш эмас, балки маълум бир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараённинг атрофлича таҳлили, оддийроқ қилиб айтганда, «Ахборот»нинг, ёки «Таҳлилнома»нинг илмийлиги яққол кўзга ташланади.



«Ахборот»чилар билан чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида ҳамкорлик қилиб келаётган журналист Комилжон Каримжонов тиниб-тинчимас инсон. Унинг Ўзбекистонимиз «қон томирлари», яъни темирйўллар қурилиши ҳақида гоҳо Навоий, гоҳида Мискин, баъзида Учқудуқ ёки Ғузору Деҳқонободдан тайёрлаётган кўрсатувларини ҳар бир киши мароқ билан томоша қилади. Мана у келтирган бир мисол: агар келажакда Тошғузор-Қумқўрғон йўналишидаги 220 километрлик темирйўл қурилиб, фойдаланишга топширилса, ҳозирги Туркманистон ҳудуди орқали айланиб ўтишга кетаётган 30 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағ тежаб қолиниши мумкин. Демак, ҳамкасбимиз ўз репортажида тўғри таъкидлаганидек, Тошғузор-Қумқўрғон йўналиши Ўзбекистонимиз учун ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий стратегияга эгадир.

«Ахборот»да фаолият олиб бораётган ўнлаб ҳамкасбларимиз ҳақида фақат илиқ гаплар айтиш мумкин. Қаранг-а, салкам ўн йилдирки, «Ахборот» ходимлари янгиликларнинг инглиз тилидаги сонини юксак маҳорат билан (Р.Мирзаева, Д.Рашидова, Р.Согомонян,Ф Ҳошимов, М.Маҳмудова ва бошқалар) эфирга тайёрлаб келмоқдалар. Айнан билимдон журналистларимизнинг хизмати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутганлиги етарли мисоллар негизида баён этилмоқда.

«Ахборот»да жонбозлик кўрсатаётган Маҳмуд Орипов, Севара Турсунова, Абдуҳаким Турғунов, Кимё Хўжаева, Л.Гусковская, М. Гайзенштейн, Абди Қодиров, Фарҳод Маҳмудов ва биз номини санашга улгурмаган яна элликка яқин ажойиб инсонларнинг халқ хизматидаги фидойилигини олқишлаш зарур. Дарвоқе, «Ахборот»чиларнинг яқин сафдоши, мададкори ва жонкуярлари орасида тажрибали сухандонларимиз (М.Раҳимов, Р.Жўраева, Д.Умарова, М.Қоратоева, М.Йўлдошев, А.Ўтбосаров, Ш.Қаюмов, С.Эрматова, М.Сафарова ва бошқалар) ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Республикада хизмат кўрсатган журналист, Олий Мажлис депутати Муҳаммаджон Обидов кўтараётган мавзулар доимо долзарблиги ва фактларга бойлиги билан ажралиб туради.

«Ахборот» дастурида халқаро жараёнларга алоҳида ўрин ажратилганлиги айни муддао бўлди. Бу масалада алоҳида таҳлилий мақола ёзиш ниятидамиз. Аммо фурсатдан фойдаланиб, «Ахборот» орқали дунё воқеаларини ёритишда Қаҳрамон Жамолов, Нажмиддин Маннопов, Қаҳрамон Йўлдошев, Дилноза Икромова каби ёш, иқтидорли, изланувчан журналистларимизни қутлаш истагидамиз.

Кейинги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан прокуратура, солиқ, божхона, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда тайёрланаётган кўрсатувлар сифати тобора яхшиланиб, мазмуни бойиб бормоқда. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Шу масалага доир лавҳа, репортажлар тайёрлашда иқтидорли журналист Муаттар Асқарованинг жонбозлигини эслатиб ўтамиз.

Умуман касбий байрамимиз арафасида барча журналистларни, шу жумладан, фидойи «Ахборот»чиларни чин юракдан табриклаймиз, уларга бахт-омад кулиб боқсин, деймиз.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

**Ислом КАРИМОВ:**

***Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман.***

## СИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМАН...

### таниқли журналист Холида Аҳророванинг Истиқлол фидойиларига бағишланган китобларини ўқиб

Чуқур билим. Катта тажриба. Ҳавас қилгулик иқтидор. Юракни мудом қийноққа солгувчи ёзиш иштиёқи. Шуларнинг ҳаммаси бир яхлитликка айланиб журналистни ҳаракатга келтиради, нуқул олдинга юр деб қистайди. Холида опа ҳам ҳанузгача ана шу кучлар измида. Унинг «Саодат» журналида узоқ йиллар ишлагани, Лев Толстойнинг «Севастополь ҳикоялари», «Тирилиш» асарлари, Бальзакнинг «Ушалмаган орзулар», грузин адиби К.Гамсахурдианинг «Ойнинг ўғирланиши», «Буюк меъморнинг ўнг қўли», Галина Николеванинг «Йўлдаги курашлар» романлари, Анатолий Ивановнинг «Соялар чошгоҳда йўқолади» повести ва бошқа кўплаб асарларни ўзбекчага ўгиргани ҳаммамизга маълум. Бу тажрибали ва ишчан журналист истиқлол йилларида янада йирик ишларга қўл урди. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророванинг «Изларини излайман», «Ўтгани юракдан ўтди» деб номланган китобларини ўқидиму сўнг...

«Бу жуда катта иш десамми ё жуда улуғ бурч десамми, хуллас ҳар иккисини ҳам зўр уддалабсиз! Сиз эрк курашчиларини нафақат бизга танитдингиз, балки уларни кечинмалари билан бирга қайта тирилтиргансиз! Ўзгаларнинг чуқур изтиробини ўз юрак чизиқларидан ўтказиб, гўёки у оғир йилларда бошқатдан «яшаб», сўнг асар битмоқ журналист учун осон кечмайди. Мен сизнинг қалбингизга ҳавас қилдим, устоз!» дея ич-ичдан такрорлай бошладим.

Ўшанда у мурғаккина қизалоқ эди. Дадасини номаълум кишилар олиб кетганларидан сўнг ҳафталар ўтса-да келавермагач онасидан «Қаёққа кетганлар?» деб-деб сўрагани, «командировкада» деган жавобдан таскин топгани, бироқ ойлар, йиллар ўтиб ҳам қайтавермагач, «Наҳот шунча узоқ экан у жой?» дея тинимсиз ўйлайвергани... Оғир йилларда онаси Вазирахоннинг йигирма беш ёшидаёқ эридан тирик жудо бўлгани, тўрт етимни оёққа турғазгунича минг машаққат чеккани, икки ўғлидан бевақт айрилиб куюнганлари – ҳаммаси унинг ёдида.

Орадан олтмиш йил ўтиб у тасодифан отасидан хабар топади. Билсаки, шунча вақт интиқ бўлиб кутган кишиси ўша кезлардаёқ машъум қатағоннинг қурбони бўлган экан! У ҳужжатгоҳлар томон йўл олди. Доғ тегиб хиралашган рақамлар, тушуниб бўлмас ёзувлар, сарғайиб кетган суратлар...

– Мен отамнинг кейинчалик оқланганини билдим, лекин ҳужжатларни кўздан кечираётиб жуда кўплаб исми-шарифларни ҳам ўқидим. Деярли ҳаммаси отам каби йигит ёшида отиб юборилган. Суратларига боқсам, юрак-бағрим ёнади. Бариси бири-биридан хушсуврат! Ўнта, йигирмата, ўттизта... Агар бир бошдан ёзиб чиқилса, бу рўйхат янада узайиб бораверади...

Холида опа падари бузруквори – истиқлол курашчиси Саид Аҳрорийнинг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни ўрганаётиб, эрк йўлида қурбон бўлганларнинг номларини аниқлади, матбуот саҳифаларига олиб чиқди; китоб ҳолида чоп эттирди. Буларнинг ҳаммаси осон кечмади! «Ҳали-ҳамон тонг отиши билан ҳужжатгоҳ томон шошиламан, кечқурун у ердан қайтаман. Худди ишга бориб келгандек... Кун бўйи юрагимни қийнаган изтироблар тундаям давом этади. Шаҳид кетганлар сувратлари ҳужжатлар ичидан чиқиб келиб худди мен билан сўзлашаётгандай, «бизнинг гуноҳимиз нима эди?» деб мени сўроққа тутаётгандай бўлаверади!»

... Бу аёлнинг фидойилигига ҳавасим келади. Содда, самимий ва айни вақтда ўзгалар ҳаёти учун куюнчак, безовта қалбига боқиб ҳайратланаман. «Биз журналистлар худди шундай бўлмоғимиз керак!» деб ўйлайман. Эл-юрт тақдирига масъуллик ҳисси журналистни бир зум ҳам тарк эмаслиги лозим, менимча. Озодликнинг имконлари бизни шунга ундайди. Аслида бу имконлар не-не қурбонлар эвазига келган...

«...Истиқлол йўлида ёш жонини фидо қилган юртдошларимиз бедарак кетмасин. Кунимиздан бир кун қолса ҳам излайлик. Марҳумлар олдидаги бурчимизни ўтаб улгурайлик!»

Бу – Холида Аҳророванинг ҳамкасбларига, шогирдларига, ўзбекман деган ҳар бир кишига қалб даъвати. Зеро, бу қалбнинг ўзи ҳавас қилгулик. Гўё у «Одамлар, меҳрнинг кучига ишонинг, шу азиз юрт учун жонини фидо қилганларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Улар ҳақда янада кўпроқ ёзайлик» деяётгандай.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**



«Ассалом, Ўзбекистон» теледастури ижодкорлари ҳар куни эрта тонгданоқ кишилар қалбига илиқ кайфият улашиш мақсадида тинимсиз фаолият олиб бормоқдалар. Миллионлаб томошабинлар дастур орқали берилаётган турли-туман қизиқарли лавҳа ва хабарлардан баҳраманд бўлишмоқда. Бир ҳафталик кўрсатувдан 70 га яқин саҳифалар жой олган. Уларни тайёрлашда 40 нафардан зиёд ижодий ва техник ходимлар жонбозлик кўрсатишяпти.

**Суратда: (чапдан) спорт шарҳловчиси Ботир Дуланов, чоршанба кунги дастур муаллифи Феруза Абдураҳмонова ва бошловчи Фахриддин Самадов**

## ШАҲРИСАБЗ КЎЗГУСИ

***Шаҳрисабз телевидениеси 1994 йил 27 декабрда ташкил этилди. Ўтган 10 йиллик даврда у томошабинларнинг севимли ҳамроҳига, туман ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг кўзгусига айланди.***

– Илк кўрсатувимиз мўъжазгина студияда эфирга узатилган эди, - дейди телевидение директори, истеъдодли журналист Гулнора Узоқова. – Эндиликда маҳаллий телевидениемиз туман меҳнаткашларининг ижтимоий ҳаётини ёритишда ўзига хос мактаб бўлди. Айниқса, «Савоб деб инграйди дунё», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат», «Амир Темур авлодларимиз», «Сеҳрли диёр» каби кўрсатувлар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинаяпти. Шунингдек, турли мавзудаги телетанловлар мухлисларга манзур бўлмоқда. Хусусан, 1997 йилда «Қизил Ярим Ой» жамияти туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Меҳрингизни дариғ тутманг, азиз одамлар» телемарафонидан тушган маблағ «Қизил Ярим Ой» жамияти фондига ўтказилди. Табиатни муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оламни асранг» кўрик-танлови республикада алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, «Кичкинтой» кўрсатуви бошловчиси Гулҳаё Эргашева, «Кеш ғунчалари», «Боланикнинг рангин дунёси» кўрсатуви бошловчиси Шаҳноза Холмаҳматовалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишди.

2003 йил 27 августдан 27 сентябргача «Сен ёлғиз эмассан» хайрия телемарафони ўтказилиб, 3 миллион сўм маблағ кам даромадли оилаларга, Яккабоғдаги «Саховат уйи», Мироқидаги «Аёллар мурувват уйи»га ҳамда болалар боғчаларига тарқатилди.

Бугунги кунда ҳафтада 3 марта кўрсатувлар эфирга узатилади. Телевидение меҳнаткашлар мурожаатлари асосида турли мавзулардаги танқидий кўрсатувларга кенг ўрин берган. Жумладан, «Оғриқли нуқта», «Бештут қишлоғининг қувонч ва ташвишлари», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» номли кўрсатувлари шулар жумласидандир.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**





## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА «ИШОНЧ» СОВҒАСИ

Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида эфирга берилаётган «Иқтидор» телеўйини ёшларнинг севимли кўрсатувларидан бирига айланган. Телеўйиннинг гуруҳларга бириккан талабалар жамоалари ўз билим ва тафаккурларини тўла намойиш этишга ҳаракат қилишлари, мураккаб саволларга жавоб топа олишлари иқтидорлилар сафи кенгайиб бораётганлигидан далолатдир.



Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш она Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига хизмат қилишдир. Буни яхши англаган кўпгина ташкилотлар, муассасалар қатори «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари журналистлари ҳам ўта муҳим, хайрли ишга камтарин ҳисса қўшиш, телеўйин иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш, улар кайфиятига кайфият қўшиш мақсадида яхши совға ҳозирлаган эди. Ушбу совға – компьютер (суратда) ўз эгасига топширилди.



**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## КЎЗГА КЎРИНМАС ЗАҲМАТКАШЛАРДАН БИРИ

Ҳамма касб-ҳунарнинг кўзга кўринмас заҳматкашлари бор. Шу жумладан журналистиканинг ҳам... Нашриёт соҳасида машинистка ё компьютерчилар, ҳужжатли кинода сурат чиқарувчи (проявщик)лар, ТВда монтажчилар, радиода овоз ёзувчилар шулар жумласидандир. Биз кўпинча таниқли қаламкашлар, муҳаррир, мухбир ва режиссёрларни қутлаймиз-у, бутун умрини бу соҳага бағишлаган, камтарона, аммо ҳалол яшаб ўтаётган азиз кишиларимизни баъзан унутгандай бўламиз.

Менинг ижодий фаолиятим 40 йилдан буён радио билан боғлиқ. Ҳаёт мени жуда кўп овоз операторлари билан учраштирди - яхши одамлар билан юзма-юз бўлдим. Шулардан бири Озода Шермуҳамедовадир. Мен уни иш устида кузатиб, «оператор» деган ишнинг ўзига хос қийинчиликларини ўз кўзим билан кўрдим.

Соғлом авлод йили муносабати билан Маориф ва Тарбия муҳарририяти болалар учун бир пьеса ёзишимни илтимос қилди. Мен ўсмирликда юз берган воқеаларни ёдга олиб, «Синов кунлари» деган бир пьеса ёздим. Асар саҳналаштириш учун қабул қилинди. Аммо уни ёзиш ва эфирга узатиш осон эмасди. Пьесада 6 боланинг оқар сувда чўмилиши ва ҳалокатга яқин хавотирли бир манзара ҳам бор эди - буни радиода ифодалаш қийин бўлгани учун икки-уч режиссёр уни саҳналаштиришга рози бўлмади. Ниҳоят, муҳарририят илтимоси билан тажрибали режиссёр Гулчеҳра Ғиёсова радиопостановка ишини ўз зиммасига олди. Республиканинг кўзга кўринган юксак малакали артистлари ишга жалб қилинди.

Иш чиндан ҳам оғир эди. Ёзиш жараёнида гоҳ ифода тўғри чиқмас, гоҳ артистларни аллакимлар чақириб қолар, қайта руҳга кириш мураккаблашар, бу орада овоз оператори Озоданинг қанча-қанча ёзганлари чиппакка чиқар, у эса пьеса руҳида яшаб, режиссёрнинг фикрлари асосида ҳеч қандай эътирозсиз тасмаларни қайта-қайта уларди. Шамол ё сув овозини ва ё синган дарахтнинг «қарс-қурс»ларини табиий ифодалаш учун режиссёрга энг яқин ёрдамчи сифатида куймаланар эди. Баъзи бир пайтлар иш вақти тугагандан кейин ҳам композицияни мукаммаллаштириш учун ёзганларига қайта-қайта қулоқ солиб кўрар эди.

Ёзув битди деган кунимиз шундай бир воқеа юз берди:

Озода бутун радиопостановка ёзилган дискни энди ғилофга солмоқчи бўлиб турган эди, кимдир овоз ёзиш студиясининг эшигини очиб қолди - ташқарида шамол кўтарилган пайти экан, дераза шарақ этиб очилиб, хонага кирган кучли елвизак туфайли, Озоданинг қўлидаги диск учиб тушиб, бир километрлик тасма чувалганча бутун хонага ёйилиб кетди. Шу куни кечгача ва эртаси куни деярли пешингача Озода уни қайта дискка ўраб, жой-жойига келтирди.

Ана шунда мен бу сабр-бардошли аёл - Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг оддий бир овоз оператори Озода Шермуҳамедованинг шахсий ҳаётига қизиқдим.

Озода 1957 йилда Қуйи Чирчиқда оддий ишчи оиласида туғилган. Отаси шофёр, онаси уй бекаси эди. Кейин Тошкентга кўчиб келишган. Оиланинг ҳаёти оғиргина эди. Шунинг учун Озода мактабни битиргач, ўз нонини ўзи топиш ниятида дарҳол радиога ишга кирди, аввал шогирдлик муҳлатини ўтади, қўли чаққон, диди ўткир, меҳнаткаш қизни дарҳол овоз операторлигига ўтказишди. Бундай мурувват ва яхши муносабатдан қаноатланган Озода ортиқ бошқа иш қидириб юрмади, шу ерда қолаверди. Мана, 28 йилдирки, шу вазифада ишлаб келади.

- Нега бошқа иш қидирай, мен шу ерда нонимни ва бахтимни топдим. Шу ерда ишлаб, турмушга чиқдим, уч болали бўлдим. Эрим - Бахтиёр Шермуҳамедов Қишлоқ хўжалик институтининг ҳисобчилик куллиётини битирган - ҳозир бир фирмада бухгалтер. Катта ўғлим Дониёр дурадгор, кичик ўғлим Элдор қурилиш коллежини битказди, у ҳам қурилишда ишлайди. Қизим Зиёда Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетида инглиз тили факультетида биринчи курсни битказди. Мен ўзим ҳеч қачон бошқа жойда ишлашни орзу қилмаганман.

Озоданинг бу гапларида ҳеч қандай бир сохталик кўрмадим. Ўзбекнинг бир оддийгина камтарин қизи эди у.

- Ҳозир ҳам ҳаётингизда ҳеч бир муаммо йўқми? - деб сўрадим мен.

- Ҳар куннинг, ҳар даврнинг ўзига хос ташвишлари бўлади, албатта. Бусиз ҳаёт ҳаёт бўлармиди? Мана, ҳозир касбимиз бутунлай ўзгариб, бошқача бўлиб боряпти. Компьютерда ёзишга ўтяпмиз. 28 йилдан кейин бирдан бошқача ишлаш осонмас. Аммо, начора, замон билан бирга қадам ташламасак бўлмайди. Ўрганамиз компьютерини ҳам, - жилмаяди Озода.

Мен касб байрами муносабати билан Озода Шермуҳамедовани табриклаб, унга катта бахт-саодат тиладим.

**Миразиз АЪЗАМ**

